

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 59 (10.364)

2005 ЙИЛ 26 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

КўСА

сатрларда

- **КЕЧА** Марказий офицерлар саройида Мудофаа вазирлиги ҳарбий округлари қўшинлари қўмондонлари, ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокидаги ўқув услубий семинари бошланди.
 - **КЕЧА** Бутунжаҳон силга қарши кураш куни муносабати билан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали, шаҳар силга қарши диспансери ҳамда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан "Силсиз ҳаёт учун курашайлик" мавзусида брифинг бўлиб ўтди.
 - **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.
 - **КАМОЛОТ** ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилди.
 - **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида Яққасарой туманидаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида шахмат, шашка, мини-футбол, волейбол, кураш, эстафета бўйича ўтказилган спорт мусобақалари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан уюштирилди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


Гўзал ва бетакрор шаҳарнинг кейинги йилларда янада чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, том маънодаги Шарқ дарвозаси, деган номига муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга гурур ва ифтихор бахш этади.

Ислоҳ КАРИМОВ

Шаҳрим — фаҳрим



ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИ, ҲАЙЗУ ТАРОВАТИ ЗИЁДА БЎЛСИН!



Қадимий ва навқирон Тошкент — серкуёш Ўзбекистонимиз пойтахти Марказий Осиёнинг кун сайин яшариб, гўзал қиёфа касб этиб бораётган замонавий шаҳарларидан бири — сиз билан бизнинг фаҳримиз, гуруримиз.

Нон шаҳри, Тинчлик, Дўстлик, Биродарлик шаҳри номлари билан машҳур Тошкентимиз бугунги даражага етгунча, бугунги бетакрор, гўзал қиёфага эга бўлгунча не-не воқеаларни бошидан кечирмади, қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтмади.

Ҳамма соҳа қатори республикамизнинг бош шаҳри — жонажон пойтахтимиз ҳам фақат Мустақиллик йилларидагина тараққиёт йўлига кирди — бутун мамлакат билан бирга ўсиб, улғайиб, тобора гўзал ва жозибador бўлиб бормоқда. Ҳа, бир вақтлар сайёҳларга кўз-кўз қиладиган тузуқкина объектлари бармоқ билан санарли бўлган азим Тошкентимиз қиёфасини ҳатто бир йил олдин кўрган одам ҳам таниёлмай, тасаннолар айтади. Эндиликда дунёнинг турли шаҳарларида бўлавериби кўзи пишиб кетган энг зукко сайёҳ, давлат ва жамоат арбоби, санъат ва маданият даргаси ҳам пойтахт кўчалари, хиёбонлари, диққатга сазовор тарихий ва меъморий ёдгорликларини бир-икки кунда кўриб адоғига етолмайди.

Давоми 4-5-бетларда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 22 мартдаги Баёнотида таъкидланганидек, Ўзбекистон томони Қирғизистонда 27 февраль ва 13 март кунлари бўлиб ўтган парламент сайловлари туфайли ушбу мамлакатда юзага келган қарама-қаршилик ва аҳолининг оммавий чиқишлари шу мамлакат қонуни ва Конституциясида белгиланган ҳуқуқий асос доирасида ҳал этилиши лозим, деган қатъий ва изчил позицияда туришини билдиради. Аини пайтда вазиятга ҳар қандай ташқи аралашувнинг олдини олиш, юзага келган муаммоларни куч ишлатиш билан ҳал

қилишга йўл қўймаслик ўта муҳимдир. Бунинг учун биринчи навбатда турли қарама-қарши томонлар билан, кескин талаб ва шартлар қўймасдан, тинч музокара олиб бориш жараёнидан фойдаланиши зарур. Ўзбекистон томони Қирғизистонда сўнгги кунлар ва ҳафталарда рўй берган воқеалар - бу қўйилмаганда тасодифан пайдо бўлган жараёнлар эмас, балки, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ноқор аҳвол, умидсизлик ва коррупция оқибатида анчадан бери йиғилиб келган кескин норозилигининг натижаси, деб ҳисоблайди. Бизнинг қатъий фикримизча, мавжуд муам-

мони ечиш, вужудга келган мураккаб инқирозли вазиятдан чиқиш ва аҳволи барқарорлаштиришда халқаро тузилмалар шафёлигида қўшни мамлакатлар ва дунёнинг йирик давлатлари томонидан Қирғизистонга аниқ мақсадли моддий, молиявий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, шунингдек мамлакатдаги қалтис жараёнлар янада ёйилиб кетишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларга қўмаклашиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга булур эди. Ўзбекистон томони мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аънавий қўшничилик ришталари ва қардошлик муносабатларини қадрлаш ва ривожлантириш тамойилларига амал қилган ҳолда, Қирғизистон аҳолиси қўллаб-қувватлайдиган ва ишонч билдирадиган мамлакат раҳбарияти, ҳукумати ва парламенти билан ҳамкорликка тайёр эканини маълум қилади.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 25 март.

XXI сағоси

Барча мамлакатлардан оқитилган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеқди.
- Ўзбекистон маданият ходимлари касабоя уюшмасининг курултойи бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Баён этилган вазифалар ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.
- Иқтидорли ва илмга интилувчан ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этиладиган фан олимпиадаларининг республика босқичи бошланди.
- Қашқадарё вилоятининг маркази — Қарши шаҳрида «Зиёкорлар боғи» ташкил этилди. Наврўз байрами арафасида шаҳар мактабларининг ўқувчилари ҳашар қилишиб, бўлажак боққа 2 минг туп қарагай қўчатларини ўтказдилар.

Жаҳонда

- Бельгия пойтахти Брюсселда ўтказилган саммитда Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчилари ушбу давлатлар молия вазирларининг бюджет етишмовчилиги микдорини мувофиқлаштирувчи Барқарорлик ва ўсиш пакти қондаларини юмшатиш тўғрисидаги қарорини маққулладилар.
- NASАнинг маълум қилишича, шаттлар парвози бўйича янги дастур лойиҳаси якунига етган ва хозирда ўтган икки йил ичида илк бор Columbia шаттлини шу йилнинг май ойида учиршига тайёргарлик кетмоқда.
- British Petroleum компаниясининг вакиллари расман билдиришича, мазкур компаниянинг АКШнинг Техас штатида жойлашган нефтни қайта ишлаш заводида рўй берган портлаш натижасида 14 киши ҳаётдан кўз юмган, 100 га яқин киши ҳар хил даражадаги тан жароҳати олган.
- Чеченистонда ўтказилган махсус операция пайтида чечен айирмачиларининг етакчиси Шанил Басаевнинг яқинларидан бири Ризван Читигов йўқ қиллинди.

Сўраш,
жавоб берамиз

Юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари қандай ҳимояланади?

М.Раҳимова
тадбиркор.

Ҳозир амал қилаётган қўлгина қонун акларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган меъёрлар мавқуддир. Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелдаги V сессияси томонидан қабул қилинган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги Қонунда истеъмолчилар асосий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланган. Истеъмолчилар аввало товар, хизмат тўғрисида, шунингдек тайёрловчи, икромчи ва сотувчи тўғрисида ишонарли ва тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга товарларнинг эркин танланиши ва тегишли сифатига бўлган ҳуқуқ, уларнинг истеъмолчилар соғлиғи ва ҳаёти ҳамда атроф-муҳити билан боғлиқ давлат буйича бўлган ҳуқуқ, иқтисодий манфаатларни товар ёки хизмат билан етказилган моддий ва маънавий зарарлар ҳамда зиёни тўла қоплаш йўли билан ҳимоялашга бўлган ҳуқуқ ҳамда давлат ва ижтимоий ҳимоялашга бўлган ҳуқуқлар ҳам белгилаб берилди. Истеъмолчи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Даволар жавобгар, истеъмолчи турган жой ёки зарар етказилган жой бўйича берилди.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари бузилганили билан боғлиқ давлат буйича, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) ҳавфсизлиги ва сифатини назорат қилувчи давлат органлари, истеъмолчилар жамоат бирлашмалари, истеъмолчилар манфаатларини қўлаб берилган давлат буйича давлат божи тўлашдан озод этилади.

Мени яқинда ҳеч бир сабабсиз ишдан четлаштиришди. Ишдан четлаштиришнинг қонун-қондаси ҳақида билмоқчи эдим.

Қ.Султонов,
ишчи.

Меҳнат Кодексининг 113-моддасида, ишдан четлаштирилган даврда ҳодим вақтинча ўзининг хизмат вазифасини бажаришга қўйилмаслиги назарда тутилганлиги белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ қуйидаги ҳолларда ҳодим ишдан четлаштирилади:

1) алкоғоли ичимликдан, гиёвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ёки иш вақти давомида маст ҳолатда бўлган ҳодимни иш берувчи иш кучи давомида ишдан четлаштирилади;

2) ҳодим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан буйин товлаган ёки ўтказилган тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда ҳам иш берувчи ҳодимни ишдан четлаштирилади. Мажбурий тиббий кўриқдан ўтиш шarti ҳодимлар тоифаси меҳнат Кодексининг 214-моддасида кўрсатилган. Бундан ташқари, терговчи, прокурор, суд ёки давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар талаби бўйича иш берувчи ҳодимни ишдан четлаштиришга мажбур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳодим иш берувчининг айби билан гайриқонуний равишда ишдан четлаштирилган тақдирда ҳодимга етказилган зарарлар иш берувчи томонидан қопланади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!
Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар буйича 113-29-09 телефонига кўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мақтуб ёзинг, кўнғироқ қилинг.

Наврўз нашидаси

МАКТАБДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат ва мурувват айёми бўлмиш Наврўзи олам нафақат корхона, ташкилотлар, маҳаллаларда нишонланмоқда, балки ушбу байрамга бағишланган тадбирлар ўқув масканларида ҳам файз-тароват ила бўлиб ўтмоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги «Яланғоч» маҳалласи ҳудудида жойлашган 207-урта мактабда нишонланган Наврўз байрами шодиёналари ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Му-

ҳими шундаки, маҳалла кўмитаси ҳамда мактаб жамоаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалладошлару ўқитувчилар, ўқувчилар — барча-барча фооллик кўрсатди. Тадбирнинг кўнғилдагидек ўтишига мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилардан Мукаррам Саимова, Дилфуза Қаюмова, Муясар Исмагуллаева ҳамда Феруза Ҳўжамқуловлар катта ҳисса қўшишди.

Мактабда Наврўзнинг тотли таоми сумалак тайёрланди. Байрам тадбирига уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақадиги ўқитувчилар таклиф этилиб, улар сумалагу кўк сомса, кўк чувара каби баҳорий таомлардан баҳраманд бўлишди.



Айни дамда шаҳримизда тадбиркорлар ва хунармандларнинг «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг туман босқичлари давом этмоқда. Тадбирда хунармандларга кенг шароитлар яратиб бериш, юртимизда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мақсадида ўтказилаётган ушбу танлов Акмал Икромов туманида ҳам бўлиб ўтди.

Ташаббус — 2005

ШАҲАР БОСҚИЧИГА
ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Унда туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда хунарманд усталар ўзлари тайёрлаган махсулотларини кенг омма олдига намойиш қилди. Айниқса халқимиз байрам ва тўйларида ҳамisha ҳозир-нозир бўлган «Office Trading» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган таклифнома ва табриқномалар, канцелярия моллари, «Ҳамдам абзас» хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги безакли ойна махсулотлари, шунингдек, «Камол-топ», «Аскарова» фирмаларида тайёрланган футболкалар, замонавий кийим-кечаклар йиғилганлар диққатига сазовор бўлди.

Кўрик-танловда иштирок этган хунармандлар орасидан Камолитдин Абдуллаевнинг лок минатюра санъати асосида ишланган буюмлари ҳамда ёш хунарманд Жамшид Гаиповнинг ёғоч ўймакорлиги асосида тайёрланган нақшинкор буюмлари ҳам

кўпчилиكنинг эътиборини тортди.

— Ушбу танловда илгари ҳам иштирок этиб, яхши натижаларни кўлга киритганам, — дейди жумладан хунарманд Жамшид Гаипов. — Асосан ёғоч ўймакорлиги йўналишида ижод қиламан. Албатта, бунинг ўзига яраша машаққатлари ҳам бор. Айниқса дағал ёғочга ишлов бериш, унга нафис нақшлар туяшириш хунарманддан энг аввало чидам ва маҳоратни талаб этадиган жараён. Ниятим ушбу кўрик-танловда бу йил биринчилиكنи кўлга киритиб, голиб бўлиш.

— Корхонамиз 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан кир ювиш ва оқартирувчи воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди «Исматуллаев» хусусий корхонаси раҳбари Дилшод Исматуллаев. — «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этишимдан асосий мақсадим энг аввало махсулотимни реклама қилиш бўлса, шунингдек, камчиликларни

ҳам ойдинлаштириш. Чунки бу танловда кўплаб тадбиркорлик субъектлари иштирок этишади. Биз улардан ўрганишимиз, билганларимизни дўғатишга ҳаракат қиламиз.

Кўрик-танлов «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши хунарманд» номинациялари асосида ўтказилиб, унга кўра тадбиркорлар орасида голибликни «Office Trading» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хусан Мамасайдов кўлга киритди. «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича голибликка ёғоч ўймакорлиги устаси Жамшид Гаипов муносиб деб топилди. Шунингдек, танловнинг «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш хунарманд» номинацияларида «Насиба-Тоҳир» фирмаси раҳбари Насиба Довурова ҳамда зардўзлик устаси Раъно Мамарасуловлар галаба қозонишди. Туман голиблари шаҳар босқичида иштирок этишга йўлланма кўлга киритдилар.

Орзугул РУСТАМОВА



Айниқса 6-9 синфлар ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури барча иштирокчиларга манзур бўлди. Болажонлар Наврўз, баҳор, меҳр-оқибат, табиатнинг уйғонишига бағишланган кўшиқлар, шеърларни маромига етказиб қуйлаб, шўх рақсларга тушиб, байрам тадбирига янада файз ва тароват бағишлашди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: 207-мактабда бўлиб ўтган Наврўз байрамидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

МАРОҚАНДНИНГ
ШЕЪРИЙ
ТИМСОЛИ

Афина китоб галереясида Грециялик шоир ва журналист, «Элефтерос Типос» газетаси ижодий ходими Петрос Кассиматиснинг «Мароқанд» шеърӣ китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур тўпламинг ёзиш гоёси муаллифда Ўзбекистонга ташириб буюрган кезлари пайдо бўлган. Грециялик журналист мамлакатимизда бир неча марта бўлган ҳамда унинг Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимиз ҳаёти ҳақидаги мақола ва очеркларини эндиликда шеърӣ китобга эга бўлди. Унинг шеърларида узоқ ўтмиш, Абу Райҳон Беруний, Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Мирзо Улугбек ва бошқа буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида фалсафий мушоҳада юритилган.

Тақдимот маросими Греция жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Унда таниқли жамоат арбоблари, сийёсатчилар, ёзувчилар, тарихчилар, таржимонлар иштирок этишди. Мамлакат парламенти вице-спикери Г.Сурлас, ички ишлар, жамоатчилик бошқаруви ва марказлашувга қарши вазири П.Павлопулос, маданият вазири ўринбосари П.Татулис ўз сўзларида «Мароқанд» тўпламининг Греция маданияти ҳаётидаги аҳамияти хусусида фикр билдиридилар.

Китоб испан ва румин тилларида таржима қилинмоқда.

«Жаҳон» АА

Кўرғазмалар

НУКУС МУЗЕЙИ ДУРДОНАЛАРИ

Пойтахтимиз хуснига янада кўрк ва файз бахш этиб турган янги мухташам санъат кошоналари қаторида Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси бугунги кунда нафақат ҳамюртларимиз, балки хорихлик меҳмонлар эътиборини тортмоқда.

Яқинда мазкур тасвирий санъат галереясида Марказий Осиёнинг энг катта музейларидан бири И.Савицкий номидаги Давлат санъат музейининг «Нукус музейи дурдоналари» деб номланган кўрғазмаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва «Нукус музейининг дўстлари» жамияти ҳамкорлигида ва ташкилотчилигида намойиш қилинаётган ушбу кўрғазма Тошкентда ташкил қилинган Нукус музейи кўрғазмаларидан бешинчисидир.

«Нукус музейининг дўстлари» жамияти бир неча йил аввал Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус аъзолари томонидан ташкил

қилинган. Мазкур жамият мақсади Нукус музейининг ноёб «авангард», нумизматика, этнография тўпламини сақлаш, музейга кўмаклашишдан иборат. Жамиятга нафақат ўзбекистонлик, балки, чет эллик санъат ихлосмандлари ҳам аъзо бўлишлари мумкин. Нукус музейи ўзининг 1920-30-йилларга мансуб бўлган «авангард» санъати тўплами билан машҳур. Ушбу тўплам таникли ва етакчи мутахассис-санъатшунослар томонидан дунё миқёсидаги «авангард» санъати тўпламлари орасида иккинчи ўриндалиги тан олинган.

Кўрғазмада таникли асарлар билан ҳам биргаликда биринчи



марта тақдим қилинган асарларини ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, А.Волков, Ў.Тансиқбоев, М.Кураин, Н.Қорахон, Р.Фальк, М. Ле Дантлю, М.Шемякин ва бошқа таникли rassomларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Мазкур кўрғазма музей асосчиси, унинг биринчи директори И.Савицкий хотирасига бағишланган.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: «Нукус музейи дурдоналари» кўрғазмасидан лавҳалар.

Н.Семёнова олган суратлар.



Шарқ дурдоналари



● Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди. Меҳмон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узок ўтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга руҳсат бергиси келар, ammo бекорчи меҳмонлар ҳеч кўзга-руҳсат. Меҳзон: «Энди сизларга руҳсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очилмади. Шунда у уй эгисини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

— «Хозир, хозир туришяпти!» деди.
● Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товондан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиллашга тушди: — Нега йиллашсан? — сўрашди ундан.

— Овқат иссиқ экан еболомайман, — деди бола.
— Бўлмаса бир оз сабр қил, совилади! — дейишди унга.
— Сабр қилишга-ку, қиламан-а, ammo сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

● Инсоннинг дўсти ва раҳбари — унинг фаҳми ва идрокидир.

● Отадан фарзандаг энг хайрли мерос — одоб, гўзал ахлоқдир.

● Мол-дунёнинг энг хайрлиси — ҳалол меҳнат билан йилғилиб, эзгу ишларга сарф қилинганидир.

● Сўқрот ҳақим айтди: — Ҳикматнинг боши эзгу хулқдир. Кимки хушхулқ бўлса унинг тириклиги хушхулқ билан ўтади. Одамларнинг кўнглиларига унинг муҳаббати ўрнашади. Хар ким ёвуз хулқи бўлса маишати тор бўлади, душмани кўпаяди. Ҳамма ундан нафрат қилади.

● Махшур донишманд Бузургмеҳрдан: — Инсоф нима? — деб сўрадилар. — Инсоф одамнинг ўзига нисбани раво қўришга бошқа қилишга ҳам шуни раво қўришидир, — деб жавоб берди Бузургмеҳр.

— Энг яхши одам ким?
— Ақли одам.
— Қандай кишини ақли одам деса бўлади?
— Ақли одам ўйламадан бирор ишга киришмайди.

Байт:
Кимки хушхулқ доимо бўлғай омон, Яхшилик қилса, сира этмас эиён.

● Инсонни ҳайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб, тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир. Инсон ақли, зехни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадориридир.

Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбинг билан эшит, қулқок ёлғончидир», деган. Ақл — раъйнинг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввал у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ёки зарарини ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунадиган тажрибакор маслаҳатчини олиш тавсия этилади.

Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир махлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзаяй бермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдига ҳар инсон учун қўлибят ва садқат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубаниқидир.

Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққатига унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди. Соғлом ақлнинг аломатларидан бири ҳам замоннинг ис-таганига қараб иш олиб боришдир.

Шу йилнинг ўзида театримизда кўп йиллар хизмат қилиб сахнада ва кинода ўлмас обрлар яратган икки буюк санъаткор — Сора Эшонғўраева ва Наби Раҳимовлар ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Зеро биз ҳам ўша бу мақоламизда касбдошимиз Наби Раҳимов ҳақида ўз билганларимиз ва эшитганларимизни сиз азияр билан баҳам қўриш ниятида қўлимизга қалам олдик.

Наби ака 1911 йилда Қўқон шаҳрида майда хўнарманд оиласида таваллуд топади. Ўша йиллари оилани тебратиб жуда қийин бўлганлиги туфайли Раҳим ота ўгли Набини Чорсу гузаридида тақчиллик дўконига шогирдликка беради. Чаққон Набиқон ўз устасининг ҳунарини тезда эгаллай бошлайди. Тақчиллик дўкони хизмат юзасидан келганлар билан доим гавжум бўлар, йилгиланлар Наби аканинг юморга бои қўзқик-қўзқик ҳанго-маларини эшитиб, соатлаб шу ерда қўлиб кетишарди. Қўқон театрининг ташкилотчиларидан бири махшур комик Миршоҳид Мирқоқилов Наби аканинг бу истеъдодидан ҳа-бар топиб, атайлаб уни қўлириб келади. Шу кундан бошлаб улар ўртасида самимий муносабат бошланади. Миршоҳид Мирқоқиловдек етук санъаткорнинг келиби туриши тақчиллик дўконини янада обод қилади. Ўшандек Миршоҳид Мирқоқилов Набиқондаги артистикка хос фазилатни кўриб уни театрга тақлиф этишни кўнглига тугиб қўйган эди. 1929 йилда газеталарнинг бирида Самарқандда иш бошлаган драма театрига хаваскорлар тўпланаётганини эшитган Наби ака устози Миршоҳид Мирқоқиловнинг қистови билан сафарга отланади.

У вақтларда Самарқанд Ўзбекистонимизнинг маркази бўлгани боис Ҳамза театри ҳам шу шаҳарда ўз фалоятини бошлаган эди. Ҳамзонинг асосий қисмини эндигина Москвада очилган Вахтангов театри қўшидаги ўзбек студиясида таълим олганлар ташкил этир эди. Театр махшур режиссёр Маннон Уйғур ва устоз ёзувчи Абдулҳамид Чўлпонлар раҳбарлик қилишар эди. Наби Раҳимовнинг санъатга бўлган иштиёқи ва суб-батидати интилишларини сезган устозлар ўша кўнйек уни жамоага қабул қилишарди. Ана шу кундан бошлаб Наби Раҳимовнинг Ҳамза театридаги ва умуман, санъатдаги ижодий фаолияти бошланади.

Наби Раҳимов театрга қабул қилинган йиллари театрд Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонғўраева, Лутфулла Назруллоев, Шариф Қоёмов ва Ҳик-мат Латипов, Шукр Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Ка-рим Зокировлар ишларди. Уларнинг ёрдамиди Наби Раҳимов ҳам бу ансамблга тезда қўшилиб, кетди. Бунда махшур режиссёрлар Маннон Уйғур ва Етим Божоновларнинг хизматлари катта бўлди. Ижод йўлини кичик-кичик ролларни бажа-ришдан бошлаган Наби ака зўр истеъдоди туфай-ли кўпгина спектаклларда бош ролларни ҳам қўй-илмақом қилиб бажара бошларди ва театр жамоа-си орасида мустақил ўринни эгаллади.

Театрининг ўша йиллардаги бош режиссёри Маннон Уйғур уни Гамлет фожесидида ҳам синиб қўриш ниятида дунёга махшур бу асардаги Лазрт ролини унга ишониб топширади. Бу спектаклнинг сахнага қўйилиши жамоани Академик деб номла-нишга олиб келади. Спектаклдаги бош ролларни Аброр Ҳидоятловдан ташқари, Сора Эшонғўраева, Шукр Бурхонов ва Наби Раҳимовлар ижро эти-шарди.

Театр жамоаси йиллар ўтиб бу спектаклни Москвада ҳам намойиш этади. Москва шаҳри томошабинлари бу асардаги бир неча роллар ак-тёрлар томонидан мохирона ижро этилганлигини маътубуда кенг таърифлашган. Жумладан, Наби Раҳимовнинг Лазрт ролу ҳам маътубот саҳифа-ларида алоҳида таъкидланади. Театр жамоаси Виль-ям Шекспирнинг бу асари билан собиқ иттифок театр шинавандалари оғзига тушганлиги тарихда қолган.

Москвадан қайтиб келган, театр жамоаси Гам-лет спектаклини бир ой давомида тўхтотмас на-мойиш этади. Хар кеча томоша зали муҳлислар билан қил тўлди.

Махшур актёр Наби Раҳимов учун Лазрт ро-лидан Яго ролига ўтиш осонликка кечмади. Маъ-лумки, Шекспирнинг Отеллосидаги Яго ролу ўта кетган разил қийфага эга бўлган кимса эди. Ду-неда ижро этилган Яголарга нисбатан бу ролни режиссёр Маннон Уйғур билан ижрочи Наби Ра-ҳимовлар бошқача талқин қилишди. Ягонинг ҳам ташқи, ҳам ички дунёси қўра кимса эканлигини оч-ишга ҳаракат қилишди. Ўша йиллари чет эл-дан бирор меҳмон келса, албатта меҳзонлар уларга Отелло спектаклини кўрсатишга ҳаракат қилишар эди. Уруш йиллари Англиянинг бир гуруҳ делегацияси шаҳримизга ташриф бургананда шу спектаклни кўриб, жамоамизнинг олтин дафта-рига ушбу жумаларни ёзиб қолдирган эди. «Биз Шекспир Ватанидан келган бир неча вақиллар ўзбек сахнасида Отелло спектаклини кўриб ҳай-ратта тушдик. Ҳеч муболагасиз айтмасдик, хозир-да бизнинг юртимизда ҳам Шекспир асаридида бундай ижроларни кўрмаган эдик. Айниқса бош роллар — Отелло, Дездемона ва Яго роллари бизда жуда катта таассурот қолдирди. Биз бу спек-

Хотира қўйғонса қўзғалқир

тақлининг мохирона ижрочиларини чин қалбимиз-дан табриқлаймиз».

Театримизда Алишер Навоий спектаклини қўйиш учун жуда кўп тайёргарлик қўрилган. Ман-нон Уйғур бу спектаклни сахналаштиришдан ол-дин буюк шоиримиз Навоийнинг деярли ҳамма асарларини ўқиб чиқиб ва ўша замон ҳақида аниқ таассуротга эга бўлганидан кейингина Уйғур ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий» асарини қўлга олади. Шубҳасизки, бу асар ҳам театримиз-нинг бир қаддам олға силжишига сабаб бўлди. Асар театримиз олтин фондида олтимши йиллардан бери сақланиб келади. Албатта бу мuddат ичида неча бор ўзгариллар, янги-янги ижрочилар пайдо бўлди. Ҳатто бир неча бор сахна бекзаклари ўзгарди. Ammo асарнинг қиммати ўша даврдагидек сақланиб қол-ганлиги таърифга муҳтож эмас. Асардаги Али-шер Навоий ролининг биринчи ижрочиси Аброр Ҳидоятлов бўлган. Ана шу ансамблда Гули — Сора Эшонғўраева ва қора куларнинг йўли бошловчи-

ри Марасул образини Наби Раҳимов қийми-га етказиб бажарди. Марасул образи ёзи-лиш жиҳатидан ҳам ниҳоятда фарибгар, хо-тинбоз, пул учун жонини тикишга тайёр қийфа эди.

Махшур ёзувчимиз Ойбекнинг «Кутлуг қон» романи асосида тайёрланган спектаклда у қилишга қийк бир қийок ролни топширилади. Наби Раҳимов шу образни тайёрлашда театримиз ёни-даги қийокчилик дўконига кириб ҳафталаб ўтирар, қийокчиликдаги игнага илп ўтказишдан тортиб, қанақа қилиб чок ясашгача бўлган ҳараёни кўздан кендиради.

Наби Раҳимов биргина Миллий театрдагина эмас, телевидениеда, айниқса «Ўзбекфильм»да олинган жуда кўп киноларда иштирок этганлиги ҳаммага маълум. У кинода ҳам ролнинг катта-кичиклигига қараб ўтирмасди. Ammo ўзи яратган хар бир образга хос характер яратишга интилар эди. Мен бу актёр билан «Ўзбекфильм» ва Ҳинди-стоннинг «Илғизфильм» киностудияси ҳам-корлигида суратга олинган «Севги аф-сонаси» фильмида суратга тушганман. Актёр фильмида асосий роллардан би-рини ижро этган эди. У кишининг ярата-ётган ролга мос характер топгани хинд актёрларига ҳам маъқул бўлган эди. Иззат Султон сценарийси асосида «Ўзбекфильм»да яратилган «Фидо» фильмида Акбар Али деган бир камба-гал, ночор кимса образи Наби акага топ-ширилади. Бу образга хос характер то-пиб, қийим-кечакларигача ўзи танлаб ре-жиссёрнинг маслаҳати билан томоша-бинлар хотирасида қолдиган образ яратган эди. У кишининг «41-йил олма-лари»даги қалби пок, одамларга меҳри-бон, Ватани учун жонини фидо қилади-ган бир кекса чол образи ўша вақтдаги иттифок кинофестивалида юксак муко-фотга сазовор бўлган.

Наби Раҳимов халқ ичида кўп юрган-лиги сабабли ўзбекларнинг юморга бўи, ҳазиломуз гапларининг устаси фаранг эди. У бирор пьесада ёки киносценарийда ўзбек халқининг образини яратар экан, ўзидан жуда кўп эпизодларни қўшар, унинг бу топилавлари шубҳасиз, ўша фильм ёки спектаклни бойитишга кўмаклашар эди.

У ўзи ишлаган театрни муҳаддас деб биларди. Ҳеч қачон ўз жамоаси, ўз театрига бикаст бер-ган эмас, аксинча уни ардоқлар эди. Ҳамма вақт, хар ерда ўз жамоаси номини кўплагга кўтарарди. Албатта шўрлар замонда ҳамма соҳада бўл-гани каби театрлар ҳам ўзига хос қийинчиликлар бўлган. Ўша қийинчилик йилларида театр жамоа-сини ташлаб кетганлар ҳам учраган. «Ғ» исмли жуда истеъдодли бир актёр қийинчиликларга бар-дос беролмай театрни ташлаб ҳаммомга ишга кирди. Музалар эриб, уруш тугаган қайтиб келди ва жамоага қайтиб олишларини илтимос қилганида Наби Раҳимов унга шундай деган эди: «Кани эрга туфлагини?» У бефаҳмлик қилиб ерга туфларди. Энди ана шу туфлагини ердан ялаб олсангина жамоамизга қабул қилинасан», деган эди.

Наби ака доимо халқ ичида бўлишни ис-тар, улар билан сўхбат қўрар, қўлгили гап-ларини айтиб тингловчилар диққатига сазовор бўларди. У айниқса, ўз она юрти Қўқонга бо-рар экан у ердаги асқиялар билан сўхбат-лашини ёктирарди. Фурсат келиб Наби ака қариллики бўйнига олиб ўзидида заифликлар-ни сеза бошлайди. Унинг овоз тембрида бўлган ўзгартириш қандайдир руҳининг па-сайишига олиб кела бошларди. У бу касаллик-ни даволаш мумкин эмаслигини билгандан кейин театрининг режиссёри Баҳодир Йўлдо-шевдан «Менга шундай бир роль бергинки, у хаётни севадимо, ammo унинг тўсиқлари кўп бўлганидан аста-секин фарибликни бўйнига ола бошласан», дея илтимос қилади. Баҳо-дир Йўлдошев ўз устозининг кўнглидаги рол-ни топиш учун пьеса излайди. У ниҳоят Аме-рика ҳаётидан олинган бир пьесани топиб Қодир Мирмуҳамедов таржимаси асосида «Ғариблар» деб ном қўйиб сахналаштиради. Ундаги ота ролини Наби акага ва она ролини Сора Эшонғўраевага топширади. Пьесадаги хар иккала ролда кексалиқнинг заиф томон-ларини очишга ҳаракат қилинган эди. Ота ва она ролу Наби ака учун ҳам, Сора она учун ҳам сўнги роль бўлди...

Наби Раҳимов кинода ҳам, телевидениеда ҳам, айниқса театрда саноксин роллар ижро этган санъ-аткор. Мен ижоридида зикр этганимдек, томондаги заифлик аста-секин руҳига ҳам, ижодига ҳам таъ-сир қўрсаата бошларди. Шу боисдан бўлса керак у-рининг охирида у тушаққа мийланиб қолганди. Биз шогирдлари тез-тез у кишиндан ҳабар олиб турар эдик. Ҳаётдаги энг сўнги кўни бўлса керак, у биринчи хар сафаргидек жуда хушчақчилик билан қабул қилди. Ҳаёти тугаётганини сезса ҳам биларини қўри-ши билан ҳечарсига табассум югурди ва шу сўзлар-ни бизларга насихатомуз қилиб айтди.

«Мен яшашни истайман. Ammo сезяпманки, ўлим менга яқинлашмоқда. Сизларга биргина насихатим шукки, хар бир ишни ғайратининг бори-да, имконининг етарлигида қилиб қилишни эздан чикарман».

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамон,
Халқ Артисти.

ХАЛҚ СЕВГАН САНЪАТКОР

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳамма соҳалар қатори санъатимизга ҳам алоҳидида аҳамият берилётгани бизни ниҳоятда қувонтиради. Бир пайларда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри деб аталган, хозирда эса Миллий театр деб номланган шу жамоага кўп йиллар орзу қилинган мухташам бино ҳам Мустақиллигимиз туфайлигина қад кўтарди. Биз санъаткорларни қувонтира-диган ана бир нарсаси шукки, театримизда бир вақтлар хизмат қилиб эндиликда ҳаётдан ўтиб кетганларини ҳам ўтмишдаги хизматлари қадрлиниб уларнинг бир нечасига «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши санъатимизга бўлган ғамхўрлик ифодасидир.



си ролу Маҳидиддинни эса Наби Раҳимов ижро этган эди. Маҳидиддин Хўсайн Бойқаронинг асо-сий вазирилардан бири. У ниҳоятда лаганбардор, ҳатто бош вазир Алишер Навоийга ҳам ўзини яқин қўрстишига, ҳатто баъзан мулозамат қилишга ҳаракат қилиб қўрарди. Асар бошида Наби Раҳи-мов Маҳидиддинни томошабин олдиди душман эканлигини сир сақлабди, ammo воқеаларнинг аста-секин ривожланиши билан Маҳидиддин на-фодо Навоийнинг, ҳатто салтанатнинг ашаддий душмани эканлиги актёрнинг мохирона ижроси билан очила борарди.

Наби Раҳимовни ўзбек драматургияси ривожига ўз хисосияни қўшган актёрлардан деб биламан. 1950-йилларда махшур рус ёзувчиси Гоголнинг «Ревизор»ни сахналаштириладиган бўлди. Шунда у театрининг ўша вақтдаги бош режиссёри Александр Гинзбург билан бирга махшур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳузурига боради ва Гоголнинг шу асарини сахнабоп тарзда таржима қилиб беришни илтимос қилади. Абдулла Қаҳҳор Гоголдек буюк рус ёзувчи-сининг бу асарини ўзбек тилига ағдариб беришга розилик билдирарди. Асарни рафикаси Кибриёно-ним билан биргаликда таржима қилади.

Асардаги бош роллардан бири ҳоқим Шукр Бурхонов ижросида, «Ревизор» — Хлестаков эса Наби Раҳимов ижросида талқин этилади. Ўша давр Маданият вазириларнинг таърифига қўра, «Ревиз-ор» халқимиз учун жуда катта совага бўлган. Актёр Наби Раҳимов ўз образига янгила талқин бе-риш ролни чўққисига олиб чиқарди. Ҳатто шинаван-да томошабинлар атайлаб «Ревизор» спектакли-даги Хлестаковнинг «Столда тарвуз» деган моно-логини қайта-қайта эшитиш учун театрга келишар-ди. Актёр бу ролни ярим асрга яқин ижро этгани-га қарамай баъзи саҳналарни турли бўёқлар бил-ан тўлдириб бориш бизни ҳайратта солар эди.

Шундан кейин ўз-ўзидан Наби Раҳимов билан Абдулла Қаҳҳор ўртасида ижодий му-лоқот бошланди. Бу яқинлик бизнинг театр-лигимиз учун у кишининг тўртта пьесаси ёзи-лишига сабаб бўлди. Ижодий изланишлар-дан сўнг биринчиси сахна асари «Шохи сўза-на» пайдо бўлади. Пьесадаги бош роллар-дан бири — Қўзиев образи Наби Раҳимов ижросида томошабинларнинг олқишига кўп марта сазовор бўлган. Актёр ролни тайёр-лаш жараёнида янги-янги сўзларни топар ва Абдулла Қаҳҳор бу топилавларни пьеса-га жони-дили билан киритар эди. Бу эса Наби Раҳимовнинг халқона юморларни яхши бил-ганлигиндан далолат бериб турар эди. Аб-дулла Қаҳҳор Академик театр артистларига завоқ-шақ билан қарар эди. Шу боисдан бўлса керак, биз билан ижодий мулоқотни давом эттирдик. Шу аснода «Тобутдан товуш» сахна озини қурди. Унинг мавзуси ўша зам-он учун энг долзарб бўлган порохўрлик ҳақида эди. Наби Раҳимов бу пьесадаги до-ла ролини Қудрат Ҳўжаев билан бирга ижро этганди. Ундан кейин Абдулла Қаҳҳор Наби Раҳимовга атаб «Оғриқ тишлар» асарини ёзди. Бу пьесадаги бош рол — тиш докто-

Шаҳрим — фаҳрим

Давоми. Боши 1-бетда.

Замонавий осмонупар бинолару кенг ва раво кўчалар, машиналарни ўзаро тўқнаш келтирмай бир неча кўчаларга «тараб юборувчи» кўприклару тунеллар, ям-яшил майдону хиёбонлар, ранг-баранг гулзорлар... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Фақат ўтган йилнинг ўзини оладиган бўлса Сенат биносининг бунёд этилиши Мустақиллик майдонига янгича улғуворлик бағишланишининг ўзи ҳар қанча фахрланишимизга арзийди. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳам қадимий маданият ва юксак тараққий этган илм-фан ўчоғи, келажаги буюк давлат бўлган Ўзбекистонимиз учун дебочадир.

Пойтахтимизнинг бош меъмори, чинакам жонкуяри ва бутун халқимизнинг чуқур ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлган Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Наврўз сайли арафасида шаҳардаги курилиш ва бунёдкорлик ишларининг бориши билан танишиш чоғи билдирган фикр-мулоҳазалари, қимматли таклифлари ҳам буни яна бир

тирадиган иншоотларни барпо этиш ишлари соғлом экологик иқлим яратишга қаратилган. Шулар қаторида 70 йилдан зиёд тарихга эга бўлган Тошкентнинг «Тик истирод» боғи ҳисобланган Абдулла Қодирий боғи эски шаҳарликларнинг энг тавжум кўнгилочар масканига айлантилмоқда. Ёш авлод, айниқса болалар шу ерда кунларини мазмунли ўтказишлари керак. Шу билан бирга, «даги босқин» куриллажак Моделлар уйи ва Ёшлар ижодиёти маркази эски шаҳарликларнинг маънавий ва ахлоқий эҳти-ёжларини қондиришга, ташқи ва ички кўриниши билан ўзига жалб эта олишига даставвал мутахассислар бош қотиришлари лозимлиги қайд қилиб ўтилди. Эски Жўва бозорининг умумий кўринишини яхшилаш ҳамда ҳақиқий Шарқ бозори қиёфасига эришишда сотувчи ва хари-дорларга қулайликлар яратиш, кўшимча савдо расталари, бошқа зарур объектлар курилиши, бунда ҳар бир бўш ердан самарали фойдаланган ҳолда кичик яшил майдонлар барпо этиш, ўзига хос меъморий ечимларга эришиш эътибордан

лим ва тажрибаларимиз, куч-қудратимиз ва меҳнатимизни сафарбар этишимиз керак бўлади. Ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон обод бўлса ундан ким баҳра олади, албатта биз ҳаммамиз. Ҳар бир майдон, ҳар бир хиёбон бетактор кўринишга, фойз-тароватга эга бўлиши аввало ўзимизга завқ-шавқ бағишлайди. Шундай қилишимиз керакки, таъмирга, ободонлаштиришга, янги қиёфа киритишга муҳтож бирон гўша қолмасин.

Албатта, бунга эришиш доимий, изчил иш олиб бориш, шаҳардаги барча ижодий, иқтисодий, ижтимоий, маданий қувватларимизни сафарбар этиш талаб қилинади. **Энг муҳими, пойтахтни қандай қиёфада, қай тарзда кўришни шаҳарликларнинг ўзлари — яъни сиз ва биз, айниқса ёшларимиз ҳал этишимиз, ҳар бир кўча, хиёбон, майдон, маданий-маиший, маъмурий бино ва иншоотлар қандай тушиши, туриши, кўриниши юзасидан амалий таклифлар беришимиз лозим.**

Шунинг учун ҳам ҳар бир тошкентлик — қурувчиси, олимий, маданият, санъат ходими ёки тadbirkormи азим пойтахтимизнинг янада

Салоҳиддин АБДУРАҲИМОВ,

Туризм касб-ҳунар коллежи талабаси:

— Менинг бўлажақ касбим шаҳримизнинг мамлакатимиздагина эмас, бутун Марказий Осиё минтақасида сайёҳлик марказларидан бири бўлиб қолишига ўз ҳиссамни қўшишга даъват этади. Тошкентда чиройли ва кўрам бинолар, иншоотлар, боғу роғлар кўп. Лекин, шунга қарамай пойтахтимизнинг яшил камарини янада кенгайтириш талаб этилади. Кўплаб ривожланган давлатларда асосан кичик истироҳат боғлари, кичик хиёбонлар яратишга эътибор берилди.

Бизнинг шаҳримизда эса ҳали ўзлаштирилмаган ерлар кўп. Шунинг учун мен «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли сифатида пойтахтимиздаги айрим қаровсиз жойлардан бири ўрнида «Камолот» ёшлари боғини барпо этишни таклиф қиламан. Агарда ташкилий масалалар ҳал этилса, бу боғни ҳашар йўли билан кейинги Наврўзгача куриб битказишимиз мумкин. Жой масаласига келсак, Чилонзор туман ҳокимлиги рўпарасидаги эътибордан четда қолган каттагина ҳудудни олиш мумкин. Йирик тиббиёт маркази ёнида жойлашган бу ҳудуднинг айна кунларда маиший-қурилиш чиқиндиларига тўлиб бораётганини кузатиш ачинарли...

Хусан ИСАЕВ,

Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей ўқувчиси:

—Биз ҳозирча фақат яратилган имкониятлардан фойдаланаямиз, деб аксарият тенгдошларим, хусусан курсдошларимнинг фикрини билдирган бўламан. Мен ўз шаҳримни жуда ҳам яхши кўраман.

Тўғри, ҳали унинг кўп жойларини билмаслигим мумкин, шу боисдан тарихга ҳам қизиқаман. Шаҳримиз шаҳарсозлиги, унинг меъморий обидалари хусусида кўп билгим келади. Лекин, афсуски, бундай адабиётларни топиш осон эмас, қолаверса, тарихий жойларнинг ўзи ҳам бизларга тўлиқ маълумот бера олмайди. Масалан, Бешёғочни олайлик. Ўзбекистон Миллий боғининг асосий кириш жойи айнан шу ерда жойлашган. Лекин унинг ташқи ва ички кўриниши ҳали ҳаммани ҳам қониқтиравермайди деб ўйлайман. Бу ерларда сайилгоҳ кури-нишидаги пиёдалар зонаси ташкил этиб, кундалик ҳаётимизда, бўш вақтларимизда дам олиш имкониятига эга жойни бунёд этиш керак.

Мурод ОРИПОВ,

Тошкент Автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицей ўқувчиси:

— Кўприклар, кенг магистрал йўллар, метро, жамоат транспортининг янги йўналишлари — буларнинг бари бўлажақ касбим соҳасидир. Кейинги пайтларда шаҳримизда йўлсозлик борасида кўп ишлар қилинмоқда, айниқса менда Кичик ҳалқа йўли курилиши лойиҳаси катта қизиқиш уйғотди, бу жараённинг деярли ҳар бир босқичини кузатиб бораман. Шундай вақтлар ҳам бўлдики, менинг хаёлий лойиҳаларим гўё амалда ўз ифодасини тогандек. Албатта, мен бундан жуда ҳам қувонаман. Ишончим комилки, яқин келажақда мен ҳам пойтахтимизнинг йўл транспорт курилишига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўша оламан. Ҳозирча таклифим шуки, автомобиль йўллари нафақат марказларда, балки ичкари жойларда, шаҳар чеккаларида ҳам тез-тез таъмирланиб турилса...

Ирина ШОКИРОВА,

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими етакчилар кенгаши раиси:

— Ҳозирча мен ўнinchи синфда ўқияпман. Кўпинча ўзимдан 10-12 ёш каттароқ ёшлар билан суҳбатлашни яхши кўраман. Дарҳақиқат, улар ҳам ўқишган, нимагадир интилишган, лекин бутунни кунда бизларга берилган имкониятлар уларда бўлмаган. Лицейу кол-лежлар, компьютер техникасида тўлиқ фойдаланиш уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Бугунги кунда эса ҳар томонлама етук авлодни камол топтириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Биз ҳамма нарсага эгамиз. Ўзим келажақда дипломат бўлмоқчиман. Ўқишдан ташқари дўстларим билан кутубхоналарда кўп бўлашим. Истагимиз, шаҳримизда жамоатчилик кутубхоналари кўпроқ барпо этилса...

Юқорда келтирилган фикрлар ёшларимизнинг дастлабки ўзига хос мулоҳазаларидир. Ўйлаймизки, ушбу мавзу юзасидан ҳамшаҳарларимиз, айниқса ёшларимиз ҳали кўплаб ўз қараш ва муносабатлари, таклифларини билдиришади. Зеро, пойтахтимизнинг келажақ истиқболи учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Акмал АКРОМОВ

чирой очиши, юксак маданий ҳаётимизга муносиб даражада бўлиши учун ўй-фикрлари, таклифлари, амалий фаолиятлари билан ҳисса қўшиши шарт, деб ўйлаймиз. Шундагина биз Юртбошимизнинг Ватанимиз остонаси — Тошкентимизни жаҳоннинг энг замонавий, гўзал шаҳарларидан бири бўлиши йўлидаги серқирра сайёҳаракатларига муносиб иш тутган бўла-миз.

Шуни инобатга олган ҳолда биз шаҳримиз фуқаролари, кўпроқ ёшлар ўртасида Тошкентнинг бугуни, эртаси ва келажагини қандай кўриш истагида эканликлари хусусида дастлабки сўровларни ўтказдик. Уларнинг фикрини қуйида газетхонлар эътиборига ҳавола қилиш билан бирга бу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишларимизни давом эттириш ниятида эканлигимизни олдиндан таъкидлаб ўтмоқчимиз.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ватаним — бу менинг оилам, менинг маҳаллам, менинг сеvimли шаҳрим. Шаҳримизнинг янада гўзал, жозибали бўлишига барчамиз фикр-мулоҳазаларимиз, таклифларимиз билан ҳисса қўшсак, айна мудоао бўлади. Сиз, азиз ҳамшаҳарлар, айниқса ёшларимиз, шаҳримиз қандай бўлишини хоҳлардингиз?

Бу ҳақда бизга ўз таклиф ва истақларингизни билдирсангиз. Шу асосда «СИЗ ШАҲРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЁФАДА КўРИШНИ ИСТАЙСИЗ?» мавзуда махсус руки очишга қарор қилдик. Шу мавзуда тахририят ходимлари телефон орқали бевосита мулоқотлар, жойларда учрашувлар, баҳс-мунозаралар ташкил этади.

Азизлар! Мактубларингизни, кўнғироқларингизни кутамиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти, телефонлар: 136-53-10, 139-05-48.



ПОЙТАХТИМИЗ КўРКИ, ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ЗИЁДА Бўлсин!



бор тасдиқлайди. Шу фикр-мулоҳаза ва таклифларда биз мамлакат раҳбарининг Ўзбекистонимизнинг кўзгуси, бош шаҳри, остонаси, бир сўз билан айтганда — унинг рамзи бўлган Тошкентнинг бугуни, эртаси ва узоқ келажаги ҳақидаги доимий гамхўрлигини қалбдан чуқур ҳис этдик. Улар бизни кўпроқ олдинга — истиқболга қараб интилишга, шаҳримиз кўрки ва тараққиётини кун сайин орттириб, энг замонавий кўриниш касб этишини таъминлашга чорламоқда, руҳлангирмоқда, зиммамизга янада юксак масъулиятлар юкламоқда.

Шу асосда биз пойтахтимизнинг ҳар бир кўча ва хиёбонлари, майдонлари, қўйингки, ҳар бир гўшасини қайта назардан ўтказишимиз, унинг янада файзлироқ, янада фарахбахш, гўзал ва бетактор бўлиши учун яна нималар қилишимиз кераклигини аниқлаб, изчил рўёбга чиқариб беришимиз керак. Ахир пойтахтга қараб мамлакат ҳақида фикр юритилганидек, унинг қиёфасига қараб сиз билан бизнинг ақлу заковатимиз, маданий салоҳиятимизга баҳо берилди-ку!

Президентимизнинг доимий эътиборида турган Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисmini қайта таъмирлаш ва куриш дастурининг кейинги босқичларини ҳам амалга ошириш борасида, жумладан, ҳамшаҳарларимиз олдида жуда катта ва муҳим ишлар турибди. Ҳозирда жадал олиб борилаётган Эски Жўва бозорини қайта таъмирлаш, шунингдек бу ердаги тор кўчаларни кенгайтириш, қаровсиз жойларни обод қилиш, инсонларга ҳам маънавий, ҳам моддий фойда кел-

четда қолмаслиги даркорлиги уқтирилди.

Мамлакатимиз раҳбари пойтахтимизнинг яна бир тарихий жойи — Бешёғоч майдони билан яқиндан танишар экан, шаҳримизнинг ҳар бир майдони ўзининг алоҳида меъморий ечимини, ранг-баранг ва кўринишига эга бўлиши лозимлигига ургу берди. Жумладан, Бешёғоч майдони ҳам бошқа майдонлардан кескин фарқ қилиб, ўзига хос манзара касб этиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир «нуқта»га алоҳида эътибор беришига лид ва нафосат билан ёндошмоқ зарур. Нафақат биноларнинг ташқи кўриниши, балки уларнинг жойлашуви, ойна-равонлари, томлари чизмалари, марказий кириш қисмлари ўзаро уйғун ҳолда мажмуа билан ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Юртбошимизнинг Наврўз сайли арафасида пойтахтдаги бунёдкорлик ишлари билан танишиб, билдирган фикр-мулоҳазалари, қимматли тавсиялари ҳар қачонгидек тошкентликлар учун, шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши табиий. Зеро, бу ерда амалга оширилаётган буюк яратувчанлик ишларининг ҳаммаси шу ерда яшаб, меҳнат қилаётган сизу бизлар учун қилинган, биздан кўра бахтлироқ, серзавқ ва мазмунли ҳаёт кечирини кўзланаётган ёшларимиз учун қилинган.

Шундай экан, Президентимиз, республика ҳукумати яратиб бераётган имкониятлардан фойдаланиб, барча тошкентликлар шаҳримизни энг замонавий, гўзал ва фусункор масканга айлан-тиришда фаол қатнашишимиз, бу ишга ўз би-



КУЛИНГ ДҮСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БҮЛАДИ.
Юсуфжон қизик Шакаржонов



ТЕРМА ҲАНГОМАЛАР

ТЕКШИРУВ

Охунжон қизикнинг танишларидан бири кўчада ҳол-аҳвол сўради.
— Охунжон ака, ишларингиз қалай?
— Эй ука, қалай эмас, олтин.
— Ростдан-а!
— Ха-да. Қизикчиликнинг текширувчиси бўлмагандан кейин ёмон бўлармиди?

ДҮСТЛИК

— Йўл бўлсин, Охунжон ака?
— Ниҳоятда қалдрон дўстим бор. Шунки кўрган кетялман. У билан кўришганимизга ўн йиллар бўлди ҳамаси. Ўн билинчи йилга ўтса, дўстликдан асар ҳам қолмас.

ТЕЛЕФОНДАГИ СЎЗЛАШУВ

Жиринг-жиринг...
— Қаердан?
— Жамоа ҳўжалигидан.
— Кимсиз?
— Кўрмасов.

ҚУВНОҚ САТРАЛАР

— Биласизми дада, — ҳовлиқиб гапира бошлади мактабдан келган Алишер, — расм ўқитувчимиз отни танимас экан.
— Қаёқдан билдинг?
— Бугун дарсда отнинг расмини чизиб кўрсатсам: «Бу ниманинг расми?».— дейди.

— Сен нега хотининг ашула айта бошлаши билан пешайвонга чиқиб олсан?
— Биров мени хотинини уряпти, деб ўйламасин деб шундай қиламан-да, дўстим.

Икки ўртоқ сўнгги ёзма имтиҳондан чиқшгач, бири иккинчисига деди:
— Мен-масалани қандай ечишни билмадим, варақларни очик ҳолича топшириб чиқаведим.
— Мен ҳам шундай қилдим, — деди иккинчиси.
Биринчиси бу гапдан кўрқиб кетди.
— Вой нима қилиб кўйдинг, тентак. Улар сени мендан кўчирган деб ўйлашади-ку.

Дарс вақтида ўқитувчи болалардан сўради:
— Болалар, айтинглари, «шим» сўзи бирдиклами ёки кўпликлами?
— Шимнинг юқори қисми бирлик, пастки қисми кўплик, — деб жавоб берди ўқувчилар.

Келинг, бир келишайлик

УЧРАШУВ

Бир кун Афанди кўчада кетаётди, маҳалла қозиси билан учрашиб қолибди. Қози Афандини мот қилмоқчи бўлиб дебди:
— Афанди, эшитимсиз, итларнинг ҳўжайини бўлиб, доим улар билан бирга эмишсиз.
— Ха, рост айтасиз, — дебди энсаси қотиб Афанди, — ҳозир ҳам биттаси билан учрашиб турибман.

ШАХСИЙ ГАП

Афанди театрга тушибди. Олдинги қаторда ўтирган икки аёл нукул ўзаро гаплашиб ўтиришгандан унинг жадли чиқиб энгашибди-да, аёлларнинг бирга дебди:
— Кечирасиз хоним, мен ҳеч нарса эшитолмапман.
— Бизнинг шахсий гапимизни эшитингиз шарт эмас, — деб жавоб берди аразчи аёл.

сифати қалай?

— Чакки эмас, гўштларни мудиримиз ўлгининг тўйига юборган эди. Шу сабабли нукул пиёздан ажойиб, ғаройиб сомса тайёрлашни касб қилиб ўтирибмиз.

АФАНДИНИНГ ЖАВОБИ

Подшоҳ Афандини мот қилмоқчи бўлибди. Ҳовузга 39 та тухум ташлабди-да, Афандига:
— Ана шу ҳовузга 40 та тухум бор. Ҳозир менга шу тухумларни олиб чиқиб берасан, биттаси кам бўлса каллангни оламан, — дебди.

Афанди 39 та тухумни топиб чиқибди. Қараса калласи кетадиган. Сўнгги бор ҳовузга тушибди-да, охириги тухумни топиб чиқолмай подшоҳга қараб кўкрак қериб, хўроз бўлиб қичқирди.
— Оламаноҳ, 39 та тувекнинг ичиди битта хўроз бўлса бўлибдида, — дебди.

Абдулла ТОЛИПОВ
тўплаган.

Бу — қизик

БИРИНЧИ ПИЁДАЛАР ЙЎЛИ

Пиёдалар йўлининг пайдо бўлиши Париждаги машҳур «Одеон» театри билан боғлиқ. Ҳама гап шундаки ўша пайтларда машҳур артистларнинг гастроллари, қизқарлик спектакллари жуда кўп одам келар, театр жойлашган кўча изовларга тўлиб кетарди. Натияжада аравалар, отлар одамларни шикастларди. Хукумат бундан қутулиш учун бирор чора ўйлаб топишга қарор қилди. Шундан сўнг машҳур кўчада қурувчилар пайдо бўлишди. Улар катта йўл чеккасида озроқ жойни тўсиқлар билан ажратдилар. Шундай қилиб бизга маълум бўлган тротуар (пиёдалар йўли) дунёга келди.

ДАСТЛАБКИ АВТОМОБИЛЬ

Тарихда энг биринчи автомобиль француз муҳандиси Коньо томонидан 1770 йилда яратилган. У уч гилдиракли, қузови тахтадан қилинган аравасимон машина эди. Машина буг билан ҳаракатланарди. Олдинги гилдираклар устиди рамада қизил мисдан қилинган қозон бўлиб, ундан чиққан буг машинани ҳаракатга келтирарди.

Қозон ўтли олов ёрдамида қизитиларди. Ҳар ўн беш дақиқада машинани тўхтатиб, сув қуйишар ва қозондаги бунинг босими белгиланган миқдорга етгунча қуттишарди. Буг билан юрадиган бу автомобилларнинг тезлиги соатига тўрт километр бўлиб, 2,5 тонна юк кўтарарди.

Машина ҳайдовчисини «шофёр» деб аташарди. Бу французча «ўт ёқувчи» деган маънони аналатади. Кейинчалик бу сўз кўча маънода бензин моторли машиналарнинг ҳайдовчилари учун ҳам қўлланила бошланди.

Кичкина хонада беш киши ўтирамин. Тўрт эркак, бир аёл. Гап хотинлар ҳақида бораётгани учун яхшиси сизга Ҳалима Узоқовнанинг ўзини таништириб қўя қолай. У 35 ёшлардаги келишган аёл. Биз билан доимо ҳушмуомалада, лекин ўзига яраша инжиқлиги бор. Ниҳоятда озодагарчиликни севади. Стол-стулни бир кунда камида ўн марта қайта-қайта тазалаб артади. Биз ноилоҳ унга тақдир

моқчи бўлди Карим.

Ҳаммамиз унга маъноли тикилди. Карим қарашимизни тушунди чайналди.

— Яна ким билади...
— Эътиборингиз учун раҳмат, йигитлар. Лекин начора, хайрлашишга мажбурмиз.
Орадан уч кун ўтгач Ҳалима Узоқовна билан салкам йиғлаб хайрлашдик. У бизга қўл узата туриб охириги бурунни берди.
— Саломат бўлинглар, йи-

ЯШАСИН АЁЛ

Ҳажвия

қиламиз. Ҳаммамиз ўлгудек қашанда бўлсақда, хонада мутлақо чекмаймиз. Негаки, Ҳалима Узоқовна сигарета чекишнинг зарари ҳақида батафсил тушунтириб кетади.

У иждоий сафарга ёки бирор топширик билан кетган кунлар ўзимизни ниҳоятда эркин ҳис этамиз. Айниқса бемалол ёзилиб чекишимизни айтмайсизми? Сўхбат қизиган баъзи кунлар эса ишга мутлақо қўл урмай кечкурун барвақт жуфтак ростланади. Хуллас, ўзимиз хон, кўланкамиз майдон.

Ҳалима Узоқовна қайтиб келган кундан бошлабқоқ ҳаммасига чек қўйилади. Яна тартиб, озодагарчилик бошланади.

— Мен йўғимда ноинсофлик қилиб роса чекканга ўхшайсизлар йигитлар. Хонанинг ҳавоси бузилиб кетибди, — дея энсасимизни қотириб, кун бўйи деразаларни очиб қўяди.

Бир кун эрталаб ишга келсам хонамизда ёлғиз Кабир ўтирибди. Жуда ҳурсанд, кўришгани қўл узатсам, у ўрнидан тура солиб мени қучоқлай кетди.

— Табриклайман, дўстим.

Ҳангу манг бўлиб қолдим. Сахарда келинини туғруқхонага ташлаб келганимни эслаб, юрагим тарс ёрилай деди. Демак у ердан ишхонага кўнгирик қилишибди-да.

— Ўғилми, қизми? — сўрадим ҳаяжонда.

Кабир суриштириб ўтирмай қотиб-қотиб қулди. Сўнг қулоғимга пичирлади.

— Ҳалима Узоқовна бошқа жойга ишга кетаётган эмиш. Суюнчини қўзавер.

Тўрт ҳафта бир-биримизни табриклар ҳам бўлган эдикки, хонага Ҳалима Узоқовна кириб келди. Одатдагидек биз билан қуюқ сўрашиб бўлгач, бориб деразаларни очди.

— Шунанга, ҳурматли эркаклар, сизлар билан хайрлашадиган бўлдик, — деди стол устини тазалаб артаркан.

Тавба, шу сўзни эшитиб ҳаммамиз беихтиёр ўрнимиздан баралла туриб кетибмиз-а. Бунинг устига Карим шожалоқ томдан тараша тушгандек «Жуда койил бўптида».— деб юборса бўладими. Яхшиямки, Ҳалима Узоқовна бу гапга эътибор бермади ёки ўзини билмасликка олди шекилли, ҳар қалай унинг юзиде ҳеч қандай ўзгариш кўрмадик.

— Бир-биримизга ўрганиб қолган эдикда, — тилёғламалик қилди Кабир.

— Ўйдагиларга нукул сизни ўрناق қилиб мактабман, — «лаган»ликка ўтди Қодир.

— Рост, чиндан ҳам ҳақиқий фариштасиз. Одоб-тартибни узокдан ўргандик.

Зўрма-зўраки айтилган бемаъни гапимдан ўзим ҳам ҳижолат бўлиб кетдим.

— Кўйинг, бизни ташлаб кетманг, — олдинги айбини юв-

гитлар. Хонамизни мен боримдек озода, тартибли тутиналар. Шундай қилсангиз дилингниз равшан, ишингизда унум бўлади. Камроқ чекинглар.

Энсамиз қотиб кетди. Аммо ҳаммамиз ноилоҳ узук-юлуқ бўлса ҳам унинг фикрини қувватладик.

Ҳалима Узоқовна кетди. Ўша кунни, ўша соатнинг ўзидаёқ Карим девордаги «кекиш мумкин эмас» деган ёзувли қоғозни юлди. Хурсандчиликка биттадан тутатдик. Ҳалима Узоқовнадан ийманиб олдимизга қиролмайдиган ёнма-ён хоналардаги дўстларимиз чиқиб бизни табрикларди. Оммавий чекиш бошланди. Шу аҳволни Ҳалима Узоқовна кўрса борми, ўлай агар икки ҳафта деразаларни очиб қўйиб, хонани шамоллатарди.

Кун тартиби ҳам, иш соати ҳам ўзгарди. Эрталаб келиб энди ишга қўл уришимиз билан бирин-кетин дўстларимиз кириб келишаверди. Кеча ким қаерда бўлганидан тортиб, ким тун бўйи хотини билан уришиб чиққанигача навбатма-навбат хижоқ қилинади. Кетма-кет чекилади. Ҳама тарқалгунча қарабсизки тушлик бўлибди. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас кимдир яна эшикдан бош суқади.

— Қани бўлинглар, Бешёғочга кетдик. Бир лағмонхўрлик қилайлик.

Тушлик ҳам баъзан икки соатга қўзилади. Овқатдан қайтгач, яна бизнинг хонада чойхўрлик бошланади. Бир пиёла чой устиде суқади авж олади.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Бу даврда бошқадан бир-икки бор танбех ҳам эшитиб олдик. Бир кун янги ходим келармиш деган хўшабарни эшитиб қолдик. Ким экан, эркакми, аёл? Ишқилиб Ҳалима Узоқовнага ўхшаган инжиқ бўлмасди.

Эртасига бошлиғимиз янги ходимини олиб кириб таништирди. Раъно Олимжоновна 30 ёшлардаги қадди баста расо аёл экан. Йўқ, у Ҳалима Узоқовнага ўхшаган инжиқ ҳам эмас. Гапни узоқдан айлантириб, чекишнинг зарари тўғрисида тушунтириб ўтирмади. У самимий, лекин жуда шарттали экан. У келган кунки Кабир «разведка» учун секингина тортмасидан сигарет олиб эзғилай бошлаган эди Раъно Олимжоновна ўрнидан дик этиб турдида эшикни очди.

— Бир ғайрат қилиб йўлакка чиқиб келсангиз, — деди қулимсираб. У бу гапни шунчалик ширин табассум ва шу қадар қатъий оҳанг билан айтдики, беихтиёр хонадаги тўрт эркак олдинма-кейин йўлакка йўл олдик. Шунда Ҳалима Узоқовна эслаб, негадир хўрсиниб қўйди. Лекин ундан ҳам, Раъно Олимжоновадан ҳам сира хафа эмасдик.

Саҳифа материалларини қулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОКШОМБЕКлар тайёрлашди.

«2» ХОДИСАЛАР

БЕЖО ҚИЛИНГАН ХАРАКАТ

Тун қоронғусида Сергели машина бозори олдидан нотаниш бир кимса атрофга олазarak бўлиб турарди.

Кўлида қозоғга ўралган нимадир бор. Шу яқин-атрофда хушёрлик билан ўз хизмат бурчини адо этаётган ички ишлар ходимлари ушбу кимсани сўроққа туттиди. Тўсатдан қилинган муносабатдан сўнг эсанкираб қолган Вадим исми шахс милиция ходимларининг шубҳаланишига сабаб бўлди.

Унинг ёнидан 0,5 килограмм марихуана гиёвандлик моддаси топилди. Бежо қилинган ҳаракатнинг олдидан олинди.

ТИЛА СОАТ ЎҒРИСИ

Кўчада юрган пайтда айниқса аёл киши сергак бўлиши лозим. Чунки безорилар кўп-оқ оғина қиз ва аёлларнинг нарсаларини олиб қочади. Шундай ҳодисалардан бири С.Раҳимов тумани, 2- Қорақамиш даҳаси 4-мавзеда жойлашган автобус бекати ёнида юз берди. Автобус кутиб турган Зиёда исми аёлнинг олдига бир нотаниш кимса келиб, «Соатингиз неча бўлди?», деб сўради. Зиёда соатини айтиб улгурмай туриб, ҳалиги кимса унинг кўлидаги тилла соатни олиб қочди. Лекин у узоққа қочиб улгурмади. Яқин орадаги милиция ходимлари томонидан ушланган шахс ўткир исми киши эканлиги аниқланди. Харом йўл билан пул топишининг оқибати мана шундай туғашини ўткирбек ҳеч ўйлаб кўрганмикан?

ОҚ ҚОЗОС ОЛИБ БЕРАМАН...

Афзал Чилонзор туманида яшайди. У анчадан буён 70 форматли оқ қозос олишни режалаштириб олган эди.

Кунларнинг бирида унинг таниши Илёс уйига меҳмон бўлиб келиб қолди. Илёс Афзалга «Сенга оқ қозос олиб бераман», — деб 1480000 сўм пулни санаб олди. Пулни сумкага солди-да шу бўйи қорасини ҳам кўрсатмади. Алданганини сезиб қолган Афзал ички ишлар ходимларига мурожаат қилди. Ҳозирда жиноятчи қўлга олинган, пуллар эгасига қайтарилган.

Сарвар СОБИРОВ,
Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош
бошқармаси
матбуот маркази
жамоатчи муҳбири.

ТАБРИКЛАЙМИЗИ!

Ҳурматли

Бахтиёр ака Абдуллаев!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий табриклаймиз. Сихат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Болаларингиз бахтига соғомон юринг.

Ҳурмат билан турмуш ўртоқчингиз Маҳсудахон, укаларингиз Исом ва Алишер.

ЭНГ ҚАДРЛИ МЕҲМОН

Мақтабдош дўстим Салимжон билан фавқуллода автобусда учрашиб қолдик.

— Топишган жойимизни қара-я, деди у мен билан сўрашиб. — Борми-сан? Қаерларда юрибсан?

Кизгин сўхбатимиз узоқ қўзилмади. Чунки унинг тушадиган бекаати яқинлашиб қолганди.

— Энди бундай, — деди Салимжон гапга нуқта қўйиб. — Шанба кuni келини олиб бизникига келасан. «Маликаи дилором»нинг туғилган кунлари. Шунга 3-4 та яқинларини таклиф этганмиз. Мириқиб сўхбатлашамиз.

Учрашишга шартлашиб хайрлашдик. Белгиланган кuni хотиним билан «Чилонзор қайдасан» деб шифокор дўстимникига йўл олдик.

Эшикни ясан-тусан қилиб олган Лобархон очди.

— Вой келинлар, — деди у бизни истамайгина қаршиларкан. — Салим ака, қаранг, ким келди.

Остонада Салимжон кўринди. Салом-алиқдан сўнг Лобархон хотиним тутган бир кийимлик атлас совғани қабул қила туриб бидирлай кетди:

— Вой, Раънохон овора бўлиб нима қилардиз. Атлас кўйлақларим шундоғам кўп-ку.

кўк чой ичишимни буюришган, — деб қолди.

Бояги киши «Мен ҳозир» дея ўрнидан турди. Оқсоқол уни тўхтатди. — Иним жойингизга ўтириг, чойни олиб келадиган чойхоначи бор.

Бояги киши оқсоқолнинг эътирозига қарамай жилмайганича чойнакни кўтариб кетди. Орада ивир-шивир бошланди. Кимдир шунда Сайфулла акадан: «Бу киши сизга ким бўлади» деб сўраб қолди.

Оқсоқол елка қисди.

— Билолмай турибман.

Шу орада бояги киши бир чойнак кўк чойни Сайфулла аканинг олдига қўйди.

— Раҳмат азизим, — деди Сайфулла ака, сўнг сўради. — Сизни бироз танимайроқ турибман биродар. Қаерда кўришганмиз сиз билан?

— Биллпман домла, мени танимаяпсиз. Мен сизнинг собиқ ўқувчи чингиз Файратжон бўламан.

— Қайси Файрат? Мен...

— Хов ўша вақтда сизнинг синфингизда ўқиган энг интизомсиз бола эсингиздами?

— Ха эсладим. Жуда ўзгариб кетибсизку. Нега қараб турибмиз. Келинг бир кучоқлашиб кўришайлик...

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Бу гапдан кўнглимиз зил кетди. Лобархон эрига маъноли тикилди. Рафикасининг шарткалигидан Салимжон ноқулай ҳолатга тушди.

Нихоят катта зални тўлдириб ўтирган меҳмонлар қаторидан жой олди. Танишувдан сўнг зўр-базур бўлсада, унча-мунча ҳазил-мутойиба қилиб ўтирдик. Лекин негадир кечанинг «тантанали қисми»ни бошлаш ҳақида ҳеч ким чурқ этмасди. Назаримда кечага энг улуг меҳмон таширф буюрмаган эди. Давра тўридаги бўш турган икки ўриндик шундан далолат берарди. Бунинг устига эшик «тиқ» этса Лобархон ҳаммининг гашига тегиб «Ана келдилар» дея ташқарига югурарди.

Даврадан файз кўтарила бошлади. Хар ким ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирганда эшик кўнгириги устма-уст жиринглади. Баъзилар чўчиб тушди.

— Каримжон акам, — деб юборди қувончдан ял-ял ёнган Лобархон эшик томон ошиқаркан.

Остонада кўринган хурматли меҳмон: «Уэр, уэр, кўрганмиз кўришганимиз энди», дея ортиқча тақаллуф кутмай юқоридаги жойга пилдираб борди.

— Ҳа, айтмоқчи Салимжон, — деди у жойлашиб олган, — ука энди иш бўлмаса манави калитни ол, машинанинг юкхонасида иккита гилам бор эди. Шунга олиб чиқкин. Ёнидаги биллур идишлар ҳам сизларга аталган.

Оқ сариқдан келган беўхшор семиз бу одамни уй эгалари нима учун шунчалар зор-интизор кутганликларини сабабини кейин тушундим. Инсон кадр-кимматини у келтирган совғаси билан ўлчайдиган бу оиладан дилим ранжиди.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Бир донишманд айтди: Одатда дарада қандай овоз берсанг, шундай ақс садо эшитасан. Ҳаётда ҳам шундай, сен одамларга нимаики қилсанг, ўзинга шундай бўлиб қайтади. Шунинг учун ҳам қарилар «Қайтар дунё бу» дейишади.

Ўн чоғли кишилар чойхонада давра қуриб қолдик. Орамизга ўрта ёшлардаги бир нотаниш киши қўшилди. У тез-тез давра тўрида ўтирган Сайфулла оқсоқолга қараб қўяр, нимадир демокчи бўлардию лекин давралардан йиманиб дилидагини айтолмасди. Шундай эсада у оқсоқолнинг кўнглига қараб нима истаса бир зумда уни бажо келтирарди.

Сайфулла аканинг ёнида ўтирган ҳамроҳи чой қўйиб уга узатди. Шунда Сайфулла ака:

— Раҳмат, мен қора чой ичмайман. Қон босимим бор. Шифокорлар

Эндигина институтни тугатган Сайфулла ака дастлабки иш фаолиятини Сирдарёдаги қолоқ мактаблардан бирида бошлаган эди. У раҳбарлик қиладиган еттинчи синф ўқувчилари орасида Файратжон энг шўхи, ўт-олови эди. Бутун мактаб жамоаси унинг интизомидан шижоат қилгани-қилган. Вазият шу даражага бориб етдики, Файратжонни интизомсиз ўқувчи сифатида мактабдан ҳайдаш масаласига чойинди. Ушанда Сайфулла ака кўпчиликнинг таклифига қарши бориб, Файратжоннинг бундан кейинги тарбияси билан бевосита ўзи шуғулланишини таъкидлаб уни мактабда қолдиришни бутун жамоадан илтимос қилган эди.

Ёш, иқтидорли муаллимнинг бу таклифи инобатга олинди. Файратжон мактабда ўқишни давом эттирадиган бўлди.

Чиндан ҳам Сайфулла аканинг таъсирида у тез орада ўзгарди. Яхши ўқийдиган, дарсларга мунтазам қатнашадиган бўлди. Интизомни яхшиланди. Бора-бора илғор ўқувчилар сафидан ўрин олди. Ушанда иқтидорсиз ўқувчидаги бу ўзгаришни кўриб бутун жамоа Сайфулла акага тан берган эди. Омаднинг қарангки, аълочи ўқувчилар қолиб, Файратжон ўша йили Политехника институтига қабул қилинди. У устози Сайфулла акани унутмади. Хар гал кишлоққа келганида устози билан кўришиб турди. Кейин ўқишни тугатиб узоқ юртга аспирантурага кетди. Шундан кейин домла билан алоқалари узилиб қолди.

Сайфулла ака кўп йиллар Сирдарёда ишлади. Ўқитувчи, мактаб директори, хатто туман ва вилоят ҳақ таълими бўлими мудири лавозимларига чўқарилди. Охири қариллик таътилига чиқиб, ўзи унинг-ўстани Тошкентга қайтиб келди.

Мана бир неча йилларди, у маҳаллага оқсоқол. Фан доктори Файратжон эса кўп йиллар турли вилоят олий ўқув юртиларидан талабаларга тахсил берди. Шу йиллар давомида у устози Сайфулла акани кўп эслади. Лекин учрашиб, кўришишининг илоҳи бўлмади.

Бу сафар у ёзги таътилда домласини топиб албатта у билан учрашишга аҳд қилган эди. Мана қидира-қидира шу ердан топди.

Узоқ йиллардан сўнг топилган устоз ва шоғирнинг ширин сўхбатидан таъсирланган даврадаги кексалардан бири «Қайтар дунё бу» деб таъкидлаб қўйди.

Ҳа, бу дунё азалдан ўзи шунақа. Кимга қандай қайтади? Яхшиларга яхшилик билан, ёмонларга ёмонлик билан қайтади.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

26 МАРТ, ШАНБА

Ҳа, мунажжимлар бугун сизга ёқимли янгиликлар, ажойиб истикболлар, қувончли воқеаларни ваъда қилишапти. Кўёшнинг олтинчи кuni рамзи тўла одатий ҳолатга қайтиш ва осойишта дам олишни кўзда тутади. Ховузда чўмилиш ва сув билан боғлиқ бошқа муолажалар фойдали бўлади.

Ой сайёраси ўн олтинчи кuni рамзи эса, табиатга махлиё бўлишга қўмак беради, булбуллар ва бошқа қуйловчи қушлар хонишидан олинанидан лаззатни кучайтиради.

Ойнинг Тароз буржида бўлиши тасвирий санъат, мусиқа ва меъморчилик санъатларида ажойиб тарзда ўз ифодасини топган гўзаллик ва уйғунликка мойилликни кучайтиради. Шоирлар, драматурглар, адвокатлар катта имкониятларга эга бўладилар.

Тушда ит, отлар ва ўсимликларни кўриш — яхшиликка. Бугун буйрақлар ва эндокрин тизими заифлашган бўлади. Моддалар алмашишуви хасталиқлари зўрайиши эҳтимоли бор.

Кийинишда оқ, кўк, яшил ва олтин ранг либослар сизга омад келтиради. Кизил, қора ва жигаранг кийимларни чеккароққа суриб қўйинг.

БУГУН:

- муҳим ишларни бошлаш;
- ҳўжалик муаммоларини ҳал этиш;
- бирон нарсага қўл уришдан олдин ҳам-касблар ёки қариндошлар фикрини билиб олиш;
- уйни енгил таъмирлаш ишларини бажариш, саранжом-сарийшталикни таъминлаш тавсия этилади.

Саломатлигингизнинг ёмонлашишига беварқ қараш ман этилади: хасталик гоят жумбоқли ва хавфли бўлиши мумкин. Спиртли ичимликлар ичиш, ўз-ўзини даволаш билан машғул бўлиш, антибиотиклар ва оғриқ қолдирувчи дориларни истемол қилишдан ўзингизни тийинг.

27 МАРТ, ЯҚШАНБА

Яқшанбани ўзингиз ёқтирган кишилар даврасида ўтказганингиз маъқул. Бугун оила аъзолари билан дам олиш, шаҳар ташқарисига биргаллик саёат уюштириш, спорт мусобақаларида қатнашиш нур устига аъло нур бўлади.

Уран билан Юпитернинг ўзаро ижобий таъсири ўтган йил декабрь ойида юзага келган муаммо ва кийинчиликларни бартараф этиш имконини беради. Бу имкониятни қўлдан чиқариш билан сиз шу йил август ойида бир мунча мурақаб вазиятга дуч келишингиз мумкин.

Бугун қўёш билан баравар уйқудан туриш

фойдали. Ҳамфикр, ҳаммаслак кишилар билан бирга бўлиш, муҳим ҳужжатларни тайёрлаш, ўқув машқлари билан шуғулланиш керак. Бугун уйни йиғиштирмайдилар, кечаси деразалар ёпиб қўйилади, кеча тайёрланган овқат тановул қилинади. Кўчат ўтказиб бўлмайди. Саёҳатлар, пул муомаласи, қарз бериш учун бугунги кун бевоситат ҳисобланади.

Бошдан-оёқ янги ва тоза кийимлар кийганингиз маъқул. Оқ, сариқ ва қизил ранглар бугун омад келтиради. Хар қандай қора ва қорамтир, кулранг ва хаворанг либослардан воз кечинг.

БУГУН - ОЙНИНГ 18-КУНИДА:

- ўзингиз учун ёқимли ишлар билан машғул бўлиш;
 - танбаллик қилмаслик (муваффақиятларингиз ўз меҳнатсаверлигингизга боғлиқ);
 - барча муаммоларни одатий йўл билан ҳал этиш;
 - фаолиятингизни сарҳисоб қилиб, омад ва омадсизликларингиз сабабини таҳлил этиш;
 - хонаки ўсимликлар ва уй ҳайвонларига фамхўрлик қилиш;
 - хар қандай вазиятда вазминлик ва оқилликни намоён этиш тавсия этилади.
- Бобош ҳаёт кечириш, бошлиқларга эътироз билдириб, талаблар қўйиш, оловга ва электр асбобларига эҳтиётсизларча муносабатда бўлишдан сақланинг.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳаҳян — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2865 нусxada босилади. Қозғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Дўшанба, сенанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимаарига ёки «Тошкент почтамаъна» — 133-7405 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбос ақциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208.

1 2 3 4 5